

Иргаш ДАМИНОВ,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)
irgashdaminov@mail.ru

КАЛОМ ИЛМИ: ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

НАУКА КАЛАМ: ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ

SCIENCE OF KALAM: STAGES OF ITS DEVELOPMENT

Аннотация: мақола ислом дини доирасида шаклланиб, Аллоҳ ва бандалари ўртасидаги эътиқодий алоқани, муносабатни баён этадиган калом илми тарихи, ривожланиш босқичлари, унга турли даврлардаги ёндашув ҳамда муҳим йўналишлари масалаларига бағишланган. Унда, шунингдек, калом илми доирасида қизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлган йўналишлари ҳақидаги қарашлар Шарқ ва Ғарб олимлари асарлари асосида илмий таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: фикҳ, калом, фалсафа, ортодоксал таълимот, ақл, нақл, аҳли сунна, мутакаллим, муътазиллийлик, эзотерик ва экзотерик таълимот.

Аннотация: Статья посвящена истории науки калама (богословия), этапам её развития и подходам в разные периоды, а также важным направлениям калама, в которых описаны религиозные отношения между Аллахом и верующими. Также, в статье, на основе трудов ученых Востока и Запада предоставлен научный анализ различных направлений в рамках науки калам, служивших предметом горячих споров.

Ключевые слова и фразы: фикх (исламское право), теология, философия, ортодоксальное учение, разум, передача, ахль ас-сунна, мутакаллим, муътазиллизм, эзотерическое и экзотерическое учение.

Annotation: The article provides information about the science of Kalam, which describes the religious relationship between Allah and His servants, formed within the framework of Islamic sciences. Issues such as the history of Kalam, the stages of its development, the approach to it in different periods, and its important directions are also covered in the article. Additionally, it includes a scientific analysis based on the works of Eastern and Western scholars on the directions in which Kalam has been the subject of heated debate.

Keywords: Fiqh, Kalam, Philosophy, Orthodox Doctrine, Reason (Aql), Narration (Naql), Ahl al-Sunnah, Mutakallim, Mu'tazilah, Esoteric and Exoteric Kalam.

КИРИШ

Ўрта асрларда ислом дини доирасида турли ички ва ташқи омиллар таъсирида вужудга келиб, ривож топган ҳамда ўз тараққиётида кўпдан-кўп зиддиятларга дуч келган илмлардан бири ақида – калом илмидир.

Калом диний илмларнинг алоҳида бир йўналиши ҳисобланиб, унинг вужудга келиш даври, сабаблари ҳамда номланиши билан боғлиқ турли фикрлар мавжуд.

Калом илк шаклланган даврда фикҳ – ислом ҳуқуқшунослигидан ажратилмаган ҳолда у билан яхлит ўрганилган ҳамда асосан оғзаки баҳсу мунозаралардан иборат бўлиб, мутакаллимларнинг фаолияти кенг жамоатчиликка қаратилган. Ижтимоий фикрни ўрганиш, уни муайян таълимотлар доирасида ўзгартириш муҳим вазифа ҳисобланган. Бу эса бевосита мулоқот, қизгин илмий тортишувларни талаб қилар эди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Таниқли муътазиллий олимлардан Абу Али Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб Жуббойи (850-915)нинг бирорта асар ёзмагани ҳам бежиз эмас [8:82]. Манбаларга таяниладиган бўлса, айрим ўрта аср мутакаллимлари ўз илмларини бу соҳанинг айнан баҳсу мунозара ҳамда оғзаки суҳбат (калом) воситасида ўрганганлари учун ҳам калом деб атаган. Бинобарин, бошқа илмларни тафаккур юритиш ва шу мавзудаги китобларни ўқиш орқали ҳам ўрганиш мумкин. Демак, унинг “калом” номи шундан келиб чиққан.

Тарихчи Хатиб Бағдодий имом Абу Ҳанифа ҳақида ёзиб, унинг тилидан шундай деган: “Мен калом илмида шу даражага етдимки, бу хусусда мен ҳақимда бармоқ билан кўрсатиларди” [4:332-333]. Олим Маккий (ваф. 1162 й.) шайх Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафсдан ривоят қилиб, шундай деб ёзади: “Абу Ҳанифа калом илмини эгаллаш билан мунтазам шуғуллани ва ниҳоят, унда юксак даражага эришди”. Шунингдек, у олим Заранжарийнинг қуйидаги Абу Ҳанифа калом илмида катта бир жамоа соҳиби бўлгани хусусидаги сўзини келтиради.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, Абу Ҳанифа ҳам калом билан баҳсу мунозара воситасида шуғулланган. Шу сабаб бўлса керак, унинг “ал-Фикхул акбар” асари, кейинчалик, алломанинг вафотидан сўнг унинг шогирдлари томонидан қоғозга туширилган. Абу Ҳанифа калом илмида юксак даражага етиб, кўплаб шогирдлар етиштирган, “соҳиби ҳалқа”, “соҳиби мажлис” бўлган.

Бу фикрни Абу Ҳанифанинг ўз тилидан айтилган қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Басрага 20 мартадан ортиқ борганман. Шу сафарларнинг баъзисида бир йил, айримларида эса ундан камроқ ёки кўпроқ бўлганман. Сафар вақтида *ибодийлик*, *сафарийлик*, *ҳашавийлик*дан иборат *хорижий*лар вакиллари билан кескин баҳс қилар эдим. Шу аснода каломни илмларнинг афзали деб ҳисоблар эдим [10:63]”.

Аллома меросининг аҳамияти жиҳатидан аҳлус сунна вал жамоа олимлари Абу Ҳанифа мероси билан фахрланди ва “ал-Фикхул акбар”, “ал-Фикхул авсат” (“Ўртача фикҳ”), “ал-Олим вал мутааллим” (“Устоз ва шогирд”), “Китобул васия” (“Васиятлар китоби”) каби асарларидан маърифий билим манбаи сифатида фойдаланди.

Исломшунос С.Окилов каломни “муътазилия таълимоти вакиллариининг ақидавий қарашлари натижасида” [16:34] шу ном билан аталганини зикр қилади. Шундан *муътазилий*лар ўз даврининг энг фаол йўналиши сифатида баҳсу мунозараларда иштирок этган, деган хулоса чиқади.

Мазкур илмнинг яна *ақида*, *тавҳид* каби номлари ҳам мавжуд. Бу номланишлардан ҳар бири ўзига хос сабаб ва асосларига эга бўлиб, *ақида* банда билан Аллоҳнинг ўртасидаги боғланиш, муносабатни англатса, кўпроқ *муътазилия* тадқиқотларида келтирилган *илмут тавҳид* Аллоҳни бир деб билишдир. Кўриниб турганидек, бу илмга берилган ҳар қандай таъриф унинг мақсади, мазмун-моҳиятиниинг алоҳида бир жиҳатидан келиб чиққан.

Баъзи олимлар унинг фалсафа билан узвий боғлиқ экани ва муътазилий олим, файласуф Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ Киндий (800-873/879) даврига қадар *диний фалсафа* бўлиб қолганини таъкидлайдилар. Мазкур қарашнинг ҳам муайян асоси бор. Бинобарин, юнон фалсафасида мавжуд айрим қарашлар унга татбиқ этилган. Аксар ўрта асрлар ёзма манбаларида калом ислом илоҳиётининг

ўзига хос фалсафий таълимоти экани эътироф этилган.

Файласуф Қ.Назаровнинг фикрича, қадимги юнон фалсафасидан фарқли равишда ислом фалсафасида сиёсат инсон фаолиятининг юксак бир кўринишидир. Чунки юнон фалсафасида сиёсий фаолият ва донишмандлик кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган [13:69]. Олим, шу тариқа, калом ва юнон фалсафаси ўртасидаги фарқни сиёсий фаолиятга боғлаган.

Таниқли файласуф олим Б.Тураевнинг таъкидлашича, калом илк ислом фалсафаси сифатида мутакаллимлар томонидан ривожлантирилган.

Шу билан бирга, айрим муаллифлар таъкидлашича, калом аввал бошда *спекулятив таълим* ҳам, *теология* ҳам бўлмаган, балки фақат аббосийларнинг *апологетик*¹ сиёсий интилиши бўлган. Бу фикрни У.Алимов тадқиқотларида баён этилган каломнинг ташқи таъсирларсиз фақат ислом дини доирасида вужудга келганини асословчи: “Калом илмининг тарихи аббосийлар давридан, аниқроғи, Маъмун давридан бошланади, бу даврда юнон фалсафаси ривожланиб бораётган эди”, [1:102] – сўзлари ҳам қувватлайди. Демак, калом юнон фалсафаси билан параллел равишда қарийб бир даврда ривожланган. Бу эса уларнинг ўзаро илмий алоқасини инкор этмайди.

Олим Дюга каломнинг ташқи таъсирларсиз ислом дини доирасида мустақил вужудга келганини исботлаган [24:260; 25:150]. Унингча, каломда бошқа дин ва фалсафаларда мавжуд элементларнинг учраши мутлақ тасодикийдир. Яъни у фақат исломий эътиқод илми ҳисобланади. Мана шу қараш аксар мутакаллимлар фикрига мувофиқ келади.

Жорж Вайда (1908-1981) каби ғарб шарқшунос файласуфлари бу фикрга қарама-қарши “калом” атамасини христиан ва яҳудий илоҳиёти маъносида қўллаган [9:143-160]. Уларнинг наздида, калом исломгача бўлган диний ақидаларнинг ислом динига татбиқ қилиниши натижасидир.

Каломни суннийлик *ортодоксал* таълимоти сифатида эътироф этадиган олимлар жамоаси ҳам мавжуд. Албатта, бу йўналиш кўплаб адашган фирқаларга қарши ақидавий кураш

¹ Апологетика – теологиянинг христиан ақидаларини ҳимоя қилувчи бўлими; кўр-кўрона ҳимоя қилиш, мадҳ этиш, мактов.

жараёнида вужудга келган. Шу ўринда аҳли суннадан бўлган мазҳаблар (*мотуридийлик, ашъарийлик, таҳовийлик*) вакиллариининг илмий тадқиқотлари, адашган тоифалар ғояларига қарши қаратилган *нақлий* ва *ақлий* далилларини эътироф этиш зарур. Бу далиллар кўп сонли асарларда ифодаланган бўлиб, уларнинг энг муҳимлари бизнинг давримизга қадар етиб келган ҳисобланади.

Каломнинг христианликдаги теология сўзидан кескин фарқ қилишини таъкидлайдиган тадқиқотчилар *теология каломнинг таркибий* қисми бўлган бир йўналиши ҳисобланишини эътироф этишади. Шу жиҳатдан теология нисбатан кенг маъно ифодаловчи *каломни* тўлиқ англата олмайди. Бу қарашни кўплаб шарқ олимлари қабул қилган.

Исломшунос олим Ш.Зиёдов *каломнинг* пайдо бўлиши хусусида фикр юритиб: “Ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнидаги махсус билимлар тизими сифатида вужудга келди”, [6:21] – дейди. Демак, *калом* ақлий тафаккур натижаси ҳамдир. Аммо Қ.Назаровнинг фикрича, *каломнинг* вужудга келиши тарихи юнон фалсафаси билан узвий боғлиқ бўлиб, мутакаллимлар ўзлари илгари сурган ақидавий қарашларни исботлаш учун файласуф ва қомусий олим Аристотель Стагирит (мил. авв. 384-322) ғоялари, қўллаган усуллари ҳамда воситаларидан унумли фойдаланганлар [13:68].

Таникли ғарб исломшуноси Ван Эсс илк қарашларида *каломни* баҳс, теология соҳасидаги баҳс-мунозара билан айнанлаштирган бўлса, кейинчалик, муаллиф *каломни*, гарчи у аввал бошда шундай бўлган бўлса-да, баҳс ҳисобламади. Шунингдек, Ван Эсс уни *теология* ҳам, *диалектика* ҳам санамади. Унингча, *диалектика* мутакаллимлар учун бирламчи мақсад бўлмаган [26:23], аксинча, *диалектика* улар учун Аллоҳнинг мавжудлиги, Унинг сифатлари, бандаларнинг амаллари, умуман, *каломнинг экзотерик* ва *эзотерик* масалаларидаги ихтилофларга барҳам беришнинг бир воситаси ҳисобланган.

Бундан ташқари, *калом* илми билан шуғулланувчи мутакаллимлар қаторига қандай тоифа вакиллари қўшиш ҳам баҳсли масалалардандир. Ақидавий масалаларда

нақлий, ақлий далиллари билан баҳс юритган *шиа* йўналиши ҳамда *суфийлар* кабиларни ҳам айрим тадқиқотчилар *калом* доирасига киритмайди. Бунга сабаб суфийларнинг, *нақлга* асосланувчи *калом* аҳлидан фарқли равишда, *илҳомга* таянганидир.

Шунингдек, айрим ёзма манбаларда *муътазилийлар* ҳам *ақида* илмига оид масалалар ечимида *ақлни* бирламчи санагани учун *каломга* қарши қўйилиб, мутакаллимлар қаторидан чиқарилган. Расулulloҳдан ривоят қилинган бир ҳадисда “*Қадарийлар* бу умматнинг маъжусийлари” экани таъкидланади. Абу Мансур Мотуридий “Китобут тавҳид” (“Аллоҳнинг ягоналиги тўғрисидаги китоб”) асарида *қадарийларнинг* айна *муътазилийлар* эканини таъкидлайди ва уларни “бу умматнинг мажусийлари” ҳисобланишини қайд этади. Бунга *муътазилийларнинг* ҳам *қадарийлар* қарашларини қабул қилгани [12:24] сабаб бўлган. Мотуридий наздида ҳақоратомуз *қадарий* номи ортида ҳамма вақт *муътазилийлик* тургани ҳам бежиз эмас.

Муътазилийлик номи билан бир неча оқим фаолият юритган. Бағдод *муътазилия* йўналишининг йирик вакили Самома ибн Ашрас Намирий (ваф. 213/828), Басра йўналиши намояндаси, тарихчи Абу Мансур Абдул Қохир ибн Тоҳир ибн Муҳаммад Бағдодий (ваф. 469/1037)нинг фикрига кўра, ҳатто халифа Маъмунни ҳам *муътазилия* мазҳабига даъват қилиш даражасидаги эътиборли шахс Муаммар ибн Аббос Силмий (ваф. 215/830) ва Абу Усмон ибн Баҳр Жохиз (ваф. 255/869), балхлик Абул Қосим Балхий Каъбий (ваф. 139/931) ва Абу Зайд Балхий (ваф. 322/934) каби олимлар бу борада фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг фикрича, инсон ўзи хоҳлаган ишини қилишга қодир. Бунда бу ишларни бажаришида Аллоҳдан қувват ва кучга эҳтиёж сезмайди [14:150]. Мазкур қарашлар *муътазилийлар* томонидан қабул қилинди ва бунинг натижасида аҳли сунна олимлари *муътазилийларни* ўзларининг биринчи рақамли рақиблари ҳисоблаб, ушбу йўналишда яратилган барча асарларда *муътазилийларга* раддиялар бериш масаласи устувор вазифа саналди.

Бироқ баъзи тадқиқотчилар асарларида *тасаввуф* фалсафий оқим бўлиб, диний-маърифий ҳодиса сифатида ислом дини доирасида вужудга келган бўлса ҳам, унинг шаклланишида ташқи унсурлар ҳисобланган

буддавийлик ва ҳиндуийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, *неоплатонизм* кабиларнинг таъсири муайян аҳамиятга эга экани асосланади [13:69]. М.Т.Степанянц ўз хулосаларида Ибн Сино илгари сурган фикрларга таянган ҳолда суфийликнинг фалсафа билан “ҳақиқат йўлидаги оға-ини” эканини асослашга уринган [18:193]. Нақлга таянувчи мутакаллимлар файласуфлар, хусусан, Ибн Арабий томонидан илгари сурилган “Аллоҳнинг исмлари 99 та эмас, балки сон-саноксиздир. Чунки Аллоҳ бир суратда икки бор кўринмайди. Шу сабаб улар сони чексиз бўлиб, инсон бу исмлар маъносида англаб ета олмайдиган бир нарса доим қолади” ғоясини кескин танқид остига олганлар.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, *калом*га асосий тўрт фикҳий мазҳаб, айниқса, *шофийлик*, *моликийлик* ва *ҳанбалийлик* – “аҳли ҳадис” вакиллари, фақат ҳадисдан ҳукм олувчилар, *салафи солиҳ*ларнинг *калом* ва у билан шуғулланувчиларга нисбатан ўта салбий муносабатини изоҳлаш мумкин бўлади.

Бу душманона кайфият натижасида “Мутакаллимларни дарра билан савалаб, кейин барча қавмлар орасидан сазойи қилиб олиб ўтиб, шундай деб қичкириш керак: “Қуръон ва суннат чегарасидан ўтганнинг аҳволи – шу!”” сингари иборалар пайдо бўлди.

Ибн Ҳанбал бу масалада: “*Калом* билан шуғулланувчи одамлар бидъатчилардир!” – деган бўлса, Абу Юсуф: “Динни *калом* воситасида излаган ҳар қандай инсон бидъатга тушиб қолади”, – деб қатъий фикр билдирди. Имом Молик уларнинг фикрига ҳамоҳанг: “*Каломни* кўришга кўзим йўқ” [11:50], – деди.

Олим Муқаддасий фикрича, бирор-бир фикрга мутаассибона ёпишиб олувчи *калом* намояндалари “инсониятнинг энг пасткаш қисми бўлиб, улар *зиндиқликка* мойил одамлардир”. Уларнинг аксар сўзлари кўплаб одамларнинг имонсизлигига олиб келди. Шунинг учун уларнинг ибодати қабул бўлмайди, гуноҳи кабираларни содир қилгани туфайли умри зое кетади [7:84]. Бундан бу тоифа олимлар айтган фикрлар хато бўлиб, гарчи улар Қуръон ва ҳадисга таянган бўлса-да, улуғ гуноҳ ҳисобланиши тушунилар эди.

Аммо нисбатан кейинги давр олимлари *калом*нинг зарурлигини англаб етдилар ва ҳатто

у билан шуғулланишни *фарзи айн* даражасига кўтариб, “макоми ва мартаба жиҳатидан илмларнинг энг аълоси ва шарафсилиси” [1:106] эканини таъкидладилар. Бинобарин, мутакаллимлар наздида, *каломни* илм сифатида ўрганиш *фарзи айн* бўлиб, у билан тавҳид, Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ўрганилади [21:84-85].

Шайх Абдулазиз Мансур: “*Калом* илми барча илмларнинг ичида энг шарафлисидир. Бинобарин, у шаръий аҳкомларнинг асоси ва диний илмларнинг бошидир. Унинг воситаси билан исломий эътиқод ўрганилади, натижада, диний ва дунёвий ютуқларга эришилади [20:255]”, – деб юқоридаги фикрни қувватлайди.

Шу ўринда ўрта аср ислом оламида ҳурфикрлилик ривожига *муътазилий*ларнинг ўрнини тадқиқ қилган ғарб олимларини ҳам зикр этиш зарур. Уларнинг айримлари *ашъарийликни* “*ортодоксал*”, *муътазилийликни* эса “*ноортодоксал*” йўналиш сифатида *калом*нинг турли мактаблари эканини асослашган. Бундан *муътазилия*нинг *ашъарийлик* каби *калом* доирасидаги фаолияти аҳли илм томонидан эътироф этилгани маълум бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, *муътазилия*ни *калом*га қарама-қарши қўйган олимлар ҳам мавжуд. Бу жиҳат асли австралиялик файласуф Рудольф Жозеф Лоренс Штайнер (1861-1925) нинг илмий мероси, Г.Голланднинг “Исломнинг *рационалист* – ҳаётга ақл кўзи билан қаровчилари бўлмиш *муътазилий*лар ҳақида рисола” ҳамда Адам Мецнинг “Мусулмон ренессанси” асарларида кўзга ташланади.

*Муътазилий*ларни *калом* доирасидан чиқариш, уларни “*рационалистлар*”, “эркин фикрловчилар” деб аташ, ўз навбатида, Рейнхольд Нибур (1892-1971) сингари қатор исломшунослар эътирозига сабаб бўлди [28:8].

*Калом*нинг *ортодоксаллигига* алоҳида урғу берувчи А.С.Нашшор, А.Сафойи каби олимлар ҳам мавжуд. А.Нодир, Х.Зайнийга ўхшаш бошқа тоифа муаллифлар *муътазилий* қарашларга *антидогматизм*, *рационализм* ва ҳурфикрлиликнинг ўрта аср кўриниши деб қарайди [3:8; 2:12].

Айрим муаллифлар *каломни* фақат ислом теологияси эканини даъво қилиб, мусулмон фалсафаси таркибига киритмайдиганларни танқид қилади [17:55].

Баъзи тадқиқотларда *муътазилийлик* калом мактаблари қаторига киритилади, бошқаларида калом *муътазилий* қарашларга қарама-қарши қўйилади, учинчи тоифа эса *ашъарий*ларнинг *муътазилий*лар ва *мутакаллим*лар ўртасида туришини таъкидлайди. Шу ўринда айрим манбалар мотуридийликнинг, бошқалари эса ашъарийликнинг ақлга кўпроқ ёндашиши билан муътазилийларга яқин туришини асослашга уринади.

Имом Абу Мансур Мотуридий наздида эса “*муътазилийлик*” сўзи доим “*қадарийлик*”ни англатган.

“*Файласуфлар*” деб аталувчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё Розий (805-925/934), Саъдуд Дин Масъуд ибн Умар Тафтазоний (1322-1390), Али ибн Муҳаммад Журжоний (1339-1413) кабилар *калом*га қарши курашган бўлса-да, аслида, уларнинг ўзлари ҳам кейинги давр *калом* намояндалари ҳисобланади.

Юқоридагилардан аён бўлаётирки, *калом* ҳақидаги баҳсда хоҳ ғарб тадқиқотчилари, хоҳ шарқ олимлари бўладими, уларнинг барчаси диққат марказида, биринчи навбатда, *муътазилий*лар турган. Бу ҳол уларнинг *калом*га берган таърифидан ҳам кўринади. Бинобарин, уларнинг аксарияти *калом*га *муътазилий*лар қарашларига қиёсий ёндашув асосида муносабат билдирган.

Аслида, *калом* ўрта аср мусулмон шарқи диний, руҳий ҳаётининг энг илғор соҳаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун *калом* тарихи, унинг ривожланиш босқичларини илмий асосда изчил ўрганиш ўрта аср ислом олами ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, у ушбу даврнинг иқтисодий, сиёсий ва идеологик омилларни бир умумий тизим асосида ўрганиш имконини ҳам беради.

Калом фалсафасини ўрганиш ўрта асрлар жамияти ҳаётининг илоҳийликка асосланган шароитида материализм ва идеализм, илм ва дин, ақл ва имон ўртасидаги муносабат ҳақидаги бизнинг тасаввурларимизни бойитиш ва конкретлаштиришга хизмат қилади. Чунки *калом* бу даврда идеологик қарашларни асослашда диний манбалар бир қаторда материалистик мазмунга эга ғояларни ҳам тадқиқ этиб, уларга танқидий ёндашган ҳолда ақида илмининг равнақиға сабаб бўлди.

Калом фалсафий тафаккурнинг тарихий тадрижий ривожини илмий асосда кузатиш учун ҳам зарур.

Айрим ёзма манбалар далолатиға кўра, *калом эллинизм* даври [19:10-11]дан буён мавжуд тафаккур материалиға таяниб, ўз навбатида, ўрта асрлар мусулмон цивилизацияси ғоявий равнақи, шунингдек, Европа тафаккуриға ҳам бирдек ижобий таъсир кўрсатган. Уни тадқиқ этган олимлар *калом* илмидаги ҳурфикрликидан ўз қарашларида унумли фойдаланганлар.

*Калом*ға мурожаат қилинишининг долзарблиғи қатор араб мамлакатларида “араб баҳори” номи билан содир бўлган идеологик, ғоявий-сиёсий жараёнлар билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги замон араб мамлакатлари сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган гуруҳларнинг ўрта асрларға хос фирқалар ғояларини замонға мослаштирган ҳолда модернизация қилаётгани бунини изоҳлайди. Ўрта аср *калом*идан бугунги кун фирқалар ғоялари сиёсий тус олгани билан фарқланиб туради. Бинобарин, кўпқиррали *калом* доим турли ғоя вакиллари диққат марказида бўлган ва бўлиб қолмоқда. *Калом*ға, энг аввал, *муътазилий* қарашларға ўз даврининг реформаторлари ҳисобланган XIX аср 2-ярми – XX аср бошларида фаолият кўрсатган илоҳиётчи олимлар мисрлик Муҳаммад Абдуҳ (1849-1905), асли афғонистонлик Муҳаммад ибн Сафдор Жамолиддин Афғоний (1839-1897) кабилар мурожаат қилган. Улар *муътазилий*ларнинг рационал қарашларини тиклашға интилган. М.Иқбол ҳатто мутакаллимлар *атомизми*ни Шарқий Европа таълимоти, деб ҳисоблаб, *ашъарий атомизми* схемасини *спиритуал плюрализм*, яъни маънавий-руҳий плюрализмға айлантирмоқчи бўлди [23:72; 22:7; 15:18]. Аслида, атомизм тушунчаси истеъмомға қомусий олим, қадимги юнон файласуфи Абдер Демокрит (тахм. мил. авв. 460-360) томонидан киритилган бўлиб, унга кўра материя кичик-кичик бўлақлар, яъни атом зарраларидан таркиб топган.

Калом ҳақида Моше ибн Маймон (1135-1204)нинг “Адашганлар учун йўлкўрсатувчи” [“Далолатул ҳоирин”] асари алоҳида аҳамиятға эга. У 1185-1190 йиллар оралиғида араб тилида ёзилган бўлиб, Ибн Тиббон (тахм. 1160-1230) томонидан қадимги иврит тилиға

таржима қилинган. Ундан XIII асрнинг биринчи чорагида лотин ва француз тилига ўтирилган. Асарнинг рус тилидаги таржимаси С.Н.Григорьян томонидан амалга оширилган [5:267-325]. Бир неча тилга таржима қилингани ва аксар олимларнинг ўз тадқиқотларида унга кўп мартаба мурожаат қилганининг ўзи мазкур асарнинг аҳамияти барча даврларда ҳам нечоғли катта бўлганини кўрсатади.

Муаллиф “Адашганлар учун йўлқўрсатувчи” асари орқали каломдаги *атомистик окказионализм* ғоясини илгари сурди. Унга кўра Аллоҳ абсолют иродага эга бўлиб, ҳамма нарсани йўқдан бор қилган. У узлуксиз ва бевосита барча ходисаларга таъсир кўрсатади, доимий яратувчидир. Инсонларда эса фақат “одат”, “касб” борки, уларни Аллоҳ инсонга сингдирган ва У хоҳлаганини истаган вақтида мўъжиза орқали ўзгартириши мумкин. У айрим жиҳатлари билан ашъарийликдаги касб назариясига ўхшаб кетади.

Узлуксиз яратишдан иборат бу концепция И.Хоттингер, И.Фом, И.Эберхард ва бошқаларнинг асарлари воситасида бир тарихий-фалсафий адабиётдан бошқасига ўтиб борди.

Атомистлар, ўз навбатида, *томизм* асосчиси, файласуф-теолог Фома Аквинский (1224-1292) томонидан танқид қилинди [27:10]. Бу назария Абу Мансур Мотуридий ва унинг Абу Муин Насафий каби издошлари томонидан ҳам инкор қилинди [6:81-94].

Калом илми тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, *карромия*, *жаҳмия* намояндалари томонидан яратилган асарлар батамом йўқотиб юборилган. *Муътазилий* манбалар ҳам оз сонли ҳолатда етиб келган. Қози Абдул Жабборнинг *муътазилия* қарашларининг асосини ташкил этадиган усулга бағишланган “Беш усул шарҳи” (“Шарҳул усулил хамса”) ҳамда 20 жузли фундаментал асари “ал-Муғний фи абвоби аҳли адл ват тавҳид” (“Тавҳид ва адолат учун курашувчилар аҳволи ҳақида тўплам”) асари сақланиб қолган бўлса-да, унинг каломга оид кўп сонли асарлари бугунги кунга қадар етиб келмаган ҳисобланади.

Ҳатто аҳли суннадан ҳисобланган ашъарий олим Исфарионий (ваф. 1078)нинг бирорта ҳам асари бизгача етиб келмагани ҳақли саволга сабаб бўлади.

Ашъарий Боқиллоний меросидан алломанинг норасида ўғли Адуд Давла учун калом илмининг энгил мавзулари таҳлил қилинган қўлланма сифатида ёзилган “ат-Тамҳид” (“Кириш”)гина сақланган. Бошқа асарлари етиб келмаган ҳисобланади.

Мотуридия мазҳабининг йирик вакили Абу Муин Насафийнинг фақат учта асари бизгача етиб келган ҳисобланади. Улар “Табсиратул адилла фи усулид дин”, “Баҳрул калом фи илмил калом” ва “ат-Тамҳид ли-қавоидит тавҳид” бўлиб, барчаси калом илмининг турли муҳим масалалари таҳлилига бағишланган.

Ашъарий олим Жувайнининг “аш-Шомил” (“Барча нарсани қамраб олувчи”) асарининг учдан бир қисми етиб келган. Тўлиғича етиб келган “ал-Иршод” (“Раҳбарлик”) эса Боқиллонийнинг “ат-Тамҳид” асари сингари қўлланма характериға эга. Бундан хулоса қилиш мумкинки, X-XII асрларга хос ашъарий манбаларидан бугунги кунга қадар етиб келган ақидавий манбалар мазмун жиҳатдан *экзотерик калом* (*зоҳирул калом*) характериға эга. У *эзотерик калом* (*латифул калом*, *дақиқул калом*) дан қамрови жиҳатдан кескин фарқ қилади.

Экзотерик каломга Аллоҳ билан боғлиқ, Унинг мавжудлиги ва сифатлари, фаришталар, барзах ҳаёти, қиёмат, умуман, инсон кўрмасдан имон келтириши лозим бўлган яширин эътиқодий масалалар киради. *Эзотерик калом* эса *натурфалсафа* (табиатшунослик фалсафаси) ва *онтологик* (борлиққа оид) муаммоларни қамрайди [9:39]. Уларга кўриш мумкин бўлган борлиқ, имон, инсон, ризқ-рўзлар, ажал, ҳидоят ва залолат сингари кўпдан-кўп масалаларни қамрайдиган *афъолул ибодни* киритиш мумкин.

Бу икки йўналиш ўртасидаги фарқ IX асрда Бағдодда ҳукм сурган суннийлар ақидасига қарши мутакаллимлар, муътазилийлар ва ашъарийларнинг умумий йўли билан боғлиқ.

Эзотерик калом йўналишида Имом Ашъарий, Қози Абдул Жаббор, Боқиллоний самарали ижод қилган бўлса-да, уларнинг бу йўналишдаги асарларидан бирортаси ҳам бизгача етиб келган эмас.

Экзотерик калом вакилларида XIII-XV аср мутакаллимлари, ҳанафий факҳи алломаси ва муҳаддис Абу Ҳасан Али ибн Муҳаммад Байзовий (1009-1089), калом илмининг

таниқли намоёндаси Саъдуд Дин Масъуд ибн Умар Тафтазоний (1322-1390) ва сўнгги калом вакили, шофийи фикҳи билимдони Адудад Дин Абдур Раҳмон ибн Аҳмад Ийжийни (тахм. 1281-1355) кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан аён бўлаётирки, калом илмига оид асарлардан асосан бу илмнинг зоҳирига тегишли масалалар ёритилган қўлланма характеридаги асарларгина етиб келган. Қолганлари эса турли даврларда йўқотиб юборилган.

ХУЛОСА

Эътироф этилган барча ақидавий мазҳаб вакиллариининг асарларида асосан муътазилийларга қарши раддиялар устуворлик қилади. Бунинг сабаби сифатида, биринчи навбатда, аҳли эътизолнинг муайян бир даврда сиёсий мавқега ҳам эга бўлиб, ундан ўз мақсадлари йўлида унумли фойдаланган ҳолда нақлга таянувчи алломаларга тазйиқ ўтказгани бўлса, ажаб эмас. Иккинчидан, муътазилий қарашлари кўпроқ ўзга дин, фалсафа ғояларини ўзига сингдирган бўлиб, қарашларини Куръон ва суннатга таяниб илгари сургани боис, аҳли сунна алломалари наздида бошқа дин вакилларига қараганда ислом учун хатарлироқ эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Алимов У. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Мовароуннахр, 2008. – Б. 102.
- Амара М. Муътазилийлар ва инсон эркинлиги масаласи. – Байрут: 1972.
- Амара М. Ислом ва бошқарув фалсафаси. Ж. I-III. – Б. Байрут: 1977.
- Бағдодий Аҳмад ибн Али Хатиб. Тариху Бағдод ав мадинатус салам. – Миср: 1349 х. Ж. 13. –Б. 332-333.
- Григорьян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. – М.: 1960. – С. 267-325.
- Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китобу ат-таъвилот” асари. – Т.: Фан, 2009. – 139 б.
- Ибн Жавзий. Талбис иблис. – Қоҳира: 1929. – Б. 84.
- Ибн Мургазо. Табақотул муътазила. – Висбаден-Байрут: 1961. – Б. 82.
- Иброҳим Тавфиқ Камол. Калом фалсафаси (VIII-XV асрлар) (Философия калама (VIII-XV вв.)). Фалс.ф.док. илм. дараж. олиш учун ёзилган диссертация. – М.: ССРИ (СССР) ФА Фалсафа институти, 1984. – Б. 39.
- Муваффақ Аҳмад ибн Саид Маккий. Манокибул Имомил Аъзам Аби Ҳанифа. –Обод: 1321 х. Ж. 1. – Б. 63.
- Мукаддасий. Тахримун назар фи кутуб аҳли калом. –Лондон: 1962. – Б. 50.
- Мухаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим Бурсавий. Аҳли суннат вал жамоат ақоиди. Иккинчи китоб. – Т.: Мовароуннахр, 1999. –223 б.
- Назаров Қ. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2012. – Б. 69.
- Насафий Абу Муин. Ат-Тамҳид ли қаваидит тавҳид. Араб тилидан Элмурод хожи Холмурод хожи ўғли таржимаси. –Т.: Мовароуннахр, 2006. –198 б.
- Нашшор А.С. Исломда фалсафий қарашларнинг вужудга келиши. 6-нашр. – Қоҳира: 1975. – Б. 18.
- Оқилов С. Калом илми (ақоид) (ўқув қўлланма). –Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 160 б.
- Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV вв. – Л.: 1966; Беляев Е.А. Мусульманское сектанство. –М.: 1957.
- Степанянц М.Т. Суфизм: оппонент или союзник рационализма. // Рационалистическая традиция и современность. Ближний и средний восток. –Москва: Наука, 1990. – С. 193.
- Тураев Б.О. Ҳозирги замон табиатшунослиги концепциялари. –Т.: Тафаккур, 2009. – Б. 10-11.
- Шайх Абдулазиз Мансур. Калом илми тарихидан бир лавҳа. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 4/2004. – Б. 255.
- Ғаззолий Абу Ҳомид. Ихёу улумид дин. – Б. 38. 84-85.
- Хувайдий Я. Калом илми бўйича очерклар ва ислом фалсафаси. – Қоҳира: 1972. – Б. 7.
- Iqbal M. The reconstruction of religious thought in Islam. – Lahore: 1962. – P. 72.
- Massignon L. Mbes Systemes philosophises des motakallimoun en Islam 11 selon Horten. -Der Islam, 1912. N3. – P. 408.
- Vajda G. Le “Kalem” dans la pensfee religieuse juive du Moyen Age. – “Revue de l’histo-ire des religions”, 1973. t. 183. N 2. PP. 143-160.
- Van Ess J. Die Erkenntnislehre des Adudaddin al-Igi. Wiesbaden, 1966.
- Voucher de Carleil A. Leibnitii observationes ad Rabbi Mosis Maimonides librum qui inseribitur Doctor perplexorum. –Westmead: 1969. P. 10.
- Worms M. Die Lehre von der AnJangslogigkeit der Welt bei den Mittelalterischen arabischen Philosophen des Orientsund ihre Bekämpfung durch die arabischen Theoloeen (Mutakallimun). – Munster: 1900.